

ПАРВОНА ҚИЛМИШДИР МЕНИ

Category: Goşgular, Kitapcy
написано kitapcy | 22 января, 2025
ПАРВОНА ҚИЛМИШДИР МЕНИ

■ Қурбондурди Залилий (1780-1836)

Туркман мумтоз адабиётида ўзига хос ўринга эга бўлган Қурбондурди Залилийнинг (Gurbandurdy Zelili) ахлоқий-дидактик, фалсафий, ишқий, диний мавзулардаги шеърлари халқоналиги, мазмунан теранлиги, сермаънолиги билан худди Махтумқули асарлари сингари халқ орасида машҳур бўлган. Унинг кўплаб шеърлари нафақат туркман ҳофизлари, балки ўзбек санъаткорлари томонидан ҳам қўшиқ қилиб куйлаб келинмоқда.

■ ПАРВОНА ҚИЛМИШДИР МЕНИ

Кўргузуб ёрим юзин, девона қилмишдир мени,
Солибон жонимга ўт, парвона қилмишдир мени,
Сабру қарорим олиб, ларзона қилмишдир мени,
Барчага маълум этиб, вайрона қилмишдир мени.
Жабру зулм ўқиға нишона қилмишдир мени.

Бардош бермай йиғлаюр бу дардга чандон кўзларим,
Тўлдирибдир ер юзини сели мужгон кўзларим,
Навбаҳор янглиғ тўкур ашкин фаровон кўзларим,
Йиғлар ўғрин доимо оҳиста пинҳон кўзларим,
Кечалар тонг отгунча, гирёна қилмишдир мени.

Ундан ўзга бу жаҳонда зарра йўқдур роҳатим,
Дарди-ҳижрони билан бир йил кечар ҳар соатим,
Ҳушим олди, васлин истаб, кезмоқ менинг одатим,
Зил бўлиб ишқин юки, қилмиш дуто ҳам қоматим,
Ишқида сархуш этиб, ҳайрона қилмишдир мени.

Оҳу афғон чекмагимдан алиф қаддим эгилиб,
Қолмади-ку кўзда ёшим, йиғламоқдин тўкилиб,
Баланд тоғлардек туманим, кетмас бошдан ёйилиб,

Қолмади бир зарра ҳушим, кетди ақлим сочилиб,
Далли Мажнун телбадек мастона қилмишдир мени.

Эй Залилий, дилбарим, умримни барбод айлади,
Хотирим ғамнок этиб, кўнглумни ношод айлади,
Эл аро расво қилиб, кетмас ёмон от айлади,
Гўйиё Ширин каби ишқинда Фарҳод айлади,
Ақлимни олиб буткул бегона қилмишдир мени.

■ ЖАФО МАНГА

Дўстлар-ей, ёрим қиладир жабр ила жафо манга,
Бўлар ул Мажнун каби охир ватан саҳро манга.

Мен кезарман кўйинда чун қатра-қатра қон ютиб,
Бераҳм золим эканмиш, қилмади парво манга.

Телбариб бу дашт аро кезарман “севгилим бор” деб,
Кўрмасам бир дам юзин, зиндон эрур дунё манга.

Юриб эрдим ўз ҳушимда ғоят фароғатлар қилиб,
Билмадим, қайдан йўлуқди бу ёмон савдо манга.

Шод бўлар лутф айласа, ғам бирла тўлган кўнглумиз,
Воҳ, агар қаҳр айласа, ашким бўлур дарё манга.

Моҳитобон юзини оз кўргузуб қилди ситам,
Ҳусни Юсуф мис(и)ллик нозанин зебо манга.

Бўйи мушк, анбари хуш, лаъли хандон, ғунча лаб,
Тиши дур, тирноқлари гавҳари байзо манга.

Аждарҳодек сочлари, ул кўзлари жаллод эрур,
Қошлари ёй, киприги ўқ, ғамзаси найза манга.

Эй Залилий, ишқинда жабру ситамдин бошқа бир,
Умрими сарф айладим, ҳеч бўлмади фойда манга.

■ ЎЗГА ДАМ БЎЛМАС

Ғанимат бил соғу омон юрганинг,

Дам шу дамдир, билгин, ўзга дам бўлмас.
Бекор, ялқовликда кунинг кўрганинг,
Бу бир хасталикдир, асло эм бўлмас.

Бир нечалар юрар кимхоб тўн кийиб,
Ўртанар нафси-чун, дунёси куюб,
Мақтанурлар элда “сўфиман” дейиб,
Аммо вале кўзларинда нам бўлмас.

Ҳаргиз кўнгул берманг ёлғон пирларга,
Мақтаниб, каромат сотса сизларга,
Тиланиб кезарлар, хордур кўзларга,
Шайтон шогирдидан зинҳор кам бўлмас.

Залилий, сўзлагин ҳарна билганинг,
Тилингда бўлмасин ғийбат-ёлғонинг,
Улуғ эл номига ошиқ бўлганнинг
Дунё учун юрагинда ғам бўлмас.

Туркман тилидан Севара Али табдили.

Goşgular